

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ 3 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/1342V3I3Y2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 3 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳақимов Назар Ҳақимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодий университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети.

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодий университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот

технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодири Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

“Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй.

Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Axmedov Jasurbek, Jabborova Gavharshod

QANQA ARXEOLOGIK YODGORLIGINI MUZEYLASHTIRISH MASALASI 9-14

Шухрат Эргашев

ФРАНЦИЯДА ИККИНЧИ РЕСПУБЛИКА ИНҚИРОЗИ ВА 1851 ЙИЛГИ ДАВЛАТ

ТЎНТАРИШИ 15-23

Касимова Шахноза Алишеровна

ПРИЕМЫ ЭФФЕКТИВНОЙ КОММУНИКАЦИИ В МУЗЕЙНОЙ ЭКСКУРСИИ 24-29

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Файзиева Ширин Шодмоновна

АГРОКЛАСТЕРЛАР ВА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРУВЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ
ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ 30-35

Мусагалиев Ажунияз Жумагулович, Дустова Мухайё Худайбердиевна

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ АЙРИМ
МАСАЛАЛАР 36-41

Murodova Nargiza Utkirovna

TURIZM MARKETING FAOLIYATIDA STRATEGIK BOSHQARUVNING AHAMIYATI 42-47

Kuchkarov Baxrom Kuziyevich, O'rmonov Xasanboy Haydarovich

КОМПАНИЯЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ТО'ЛОВГА ЛАЙОҚАТСИЗЛИГИ ХАВФИНИ АНИҚЛАШ 48-55

Temirova Feruza Sagdullayevna

MARKETINGNING ZAMONAVIY TEXNOLOGIYASI -
BRENDING FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH 56-62

Sobirova Marhabo Haitovna

МЕВА-SABZAVOT КООПЕРАТСИЯСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
ЙО'ЛЛАРИ 63-67

Mamajonova Gulasal Oribjon qizi

КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ CHIQARISH QUVVATLARIDAN FOYDALANISHNING
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ MASALALARI 68-77

Davlyatshayev Akmal Ashurmamatovich

О'ЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙОТИНИНГ РИВОЈЛАНИШИДА ИНВЕСТИЦИЯ РИСКЛАРИНИ
БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ 78-87

Тўхтамишов Азиз Қаҳрамонович

КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ АСОСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ
МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ 88-101

Каржавова Хуршида Абдумаликовна

МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР КўРСАТИШНИНГ
АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ 102-110

Soliyev Dilmurod Jamolovich

AYLANMA MABLAG'LARNI SAMARALI BOSHQARISH KORXONA FAROVONLIGINING
ASOSIDIR 111-119

Sultonova Mushtariy Abdulabbosovna

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA BUXGALTERIYA HISOBINI TASHKIL ETISH
MASALALARI 120-130

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Тўраев Шавкат Нишонович

ЖАМИЯТ МАФКУРАСИ ИЖТИМОЙ САФАРБАР ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ 131-137

Qodirov Davronbek Hoshimovich

TASAVVUF TA'LIMOTINING NAZARIYOTCHISI – ABULQOSIM QUSHAYRIY 138-143

Sharipov Dilshod Vaxshilloevich

TINCHLIKNING UNIVERSAL (DUNYOVIY) TARTIB BO'YICHA TAHLILI 144-148

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Гаппаров Алибек Қаршибоевич

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЛЕКСИКАНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК АСПЕКТИ 149-155

Fayzieva Zuxra, Sharipova Yoqut Quدراتillayevna

APPLICATION OF GAME TECHNOLOGIES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGE TO THE BLIND
AND VISUALLY IMPAIRED 156-161

Ахмедшина Лилия Рафаэльевна

РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ КОНЦЕПТОВ «МУЖ « И «ЖЕНА»
В ПОСЛОВИЦАХ И ПОГОВОРКАХ 162-166

Kholmuminova Makhliyo

DIFFERENCE BETWEEN MEANINGS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES 167-171

Shirinova Yekaterina

NUTQIY TAFAKKURNING PSIXOLINGVISTIK MUAMMOLARI 172-178

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

Қутлымуратов Фарҳад Қалбаевич

ЮРИДИК ШАХСНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШДА СОЛИДАР
ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ 179-185

Kasimov Nodirjon Sodikjonovich

QASDDAN O'DIRISH JINOYATINING TUSHUNCHASI, TAVSIFI VA JINOIY HUQUQIY
XUSUSIYATLARI 186-196

Урманбаева Ферузахон Саттаровна

ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИКНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА МОҲИЯТИ 197-203

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Tursunaliyev Ilhomjon Axmedovich

“HAYOT DAVOMIDA TA'LIM” – JISMONIY TARBIYA VA SPORT MUTAXASSISLARINI UZLUKSIZ
KASBIY RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK MEKANIZMI SIFATIDA (NAZARIY JIHATLAR
TAHLILI) 204-210

Mamatqosimov Jahongir Abirqulovich

BO'LAJAK REJISSORLARNING KASBIY KOMPETENSIYALARINI TAKOMILLASHTIRISHDA
TRENING MASHQLARINING AMALIY AHAMIYATI 211-217

Turdimurodov Dilmurod Yo'ldoshevich

YUQORI SINIF O'QUVCHILARIDA QAT'IYATLILIK SIFATINI JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA
TARBIYALASH 218-223

Бабаходжаева Наргиза Мухитдиновна

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ
ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ 224-229

Mengliqulov Xayrulla Aliqulovich

HARAKATLI O'YINLAR ORQALI 14-15 YOSHLI SUZUVCHLARNING JISMONIY SIFATLARINI
RIVOJLANTIRISH 230-236

Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi

ADVANCED PEDAGOGICAL EXPERIENCES IN ORGANIZING AND DEVELOPING THE
EDUCATIONAL PROCESS ON THE BASE OF DIGITAL TECHNOLOGIES 237-244

Yusupov Dilmurod Abdurashidovich

YADRO FIZIKASI BO'LIMLARINI O'QITISHDA INNOVATSION KOMPYUTER
TEKNOLOGIYALARINI QO'LLASH ORQALI TALABALAR FAOLLIGINI OSHIRISH 245-254

Ergashev Omonboy Turgunbayevich

TALABALARNING BADIY TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOY ZARURATI VA
PEDAGOGIK ASOSLARI 255-260

<i>Ruzmetova Novval Vahabjanovna</i> THE ROLE OF FOLK TRADITIONS IN FORMING LEGAL CULTURE OF STUDENTS OF LAW SCHOOLS	261-269
<i>Raxmatov Otabek Urinbosarovich</i> BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHILARIDA MILLIY SPORT TURLARI ASOSIDA AMALIY KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI	270-274
<i>Makhmudov Furqat Djumaboyevich</i> YORUG'LIK KVANT NAZARIYASINING VUJUDGA KELISHI. YORUG'LIK KVANTI MAVZUSINI O'QITISH USULLARI	275-281
<i>Бабахова Гулзиба Зиятбаевна</i> К ВОПРОСУ МЕТОДИКИ ИЗУЧЕНИЯ ТЕОРИИ АТОМОВ ВОДОРОДА ПРИ ПРЕПОДАВАНИИ КУРСА КВАНТОВАЯ МЕХАНИКА	282-289
<i>Dexkanov Sherzod Abdumutalibovich</i> KAFEDRALARARO BITIRUV MALAKAVIY ISHLARINI TAYYORLASH – SIFATLI TA'LIMNI TA'MINLASHNING MUHIM OMILI SIFATIDA	290-296
<i>Ҳакимова Муқаддас Ҳасановна</i> КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ИЖОДКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ	297-301



Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари. -2023. -№ 3 (3).
ISSN: 2181-1342 (Online)
<https://scienceproblems.uz>

09.00.00 – Фалсафа фанлари

Тўраев Шавкат Нишоневич

Республика Маънавият ва маърифат маркази,
Ижтимоий маънавият тадқиқотлар институти,
бўлим бошлиғи, ф.ф.н доц.,
turayev.64@mail.ru, +998 99 797 68 11

ЖАМИЯТ МАФКУРАСИ ИЖТИМОЙ САФАРБАР ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

Аннотация. Мақолада жамият мафкураси асосида ижтимоий сафарбарликни ташкил этиш сиёсий, маънавий-мафкуравий асослари таҳлил қилинган. Шунингдек, жамиятнинг ғоялар атрофида жипшлашишда миллий мафкура ҳар бир ватандошимизнинг оиласи, жамият, эл-юрт олдидаги бурч ва масъулиятини қай даражада адо этаётганини белгилайдиган маънавий мезон сифатида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Ижтимоий сафарбарлик, жамият мафкураси, маънавий жараёнлар, бунёдкорлик туйғуси, ҳамжиҳатлик, фуқаро, фаровонлик, инсон қадри, адолат, қонун устуворлиги.

Тураев Шавкат Нишоневич

Республиканский центр духовности и просвещения,
Институт исследований социальной духовности,
глава отделения, к.ф.н. доц.,

ИДЕОЛОГИЯ ОБЩЕСТВА ОСНОВНОЙ ФАКТОР СОЦИАЛЬНОЙ МОБИЛИЗАЦИИ

Абстракт. В статье анализируются политические, духовные и идеологические основы организации социальной мобилизации на основе идеологии общества. Также выделена национальная идеология в солидарности общества вокруг идей, как духовный критерий, определяющий, насколько каждый наш соотечественник выполняет свой долг и ответственность перед семьей, обществом, страной.

Ключевые слова: Социальная мобилизация, социальная идеология, духовные процессы, креативность, солидарность, гражданин, благосостояние, человеческая ценность, справедливость, верховенство закона.

Turaev Shavkat Nishonovich

Republican Center for Spirituality and Education,
Institute for Social Spirituality Research,
head of the department, Candidate of Philosophical Sciences, docent

COMMUNITY IDEOLOGY IS A KEY FACTOR IN SOCIAL MOBILIZATION

Abstract. The article analyzes the political, spiritual and ideological foundations of the organization of social mobilization on the basis of the ideology of society. Also, the national ideology in the compaction of society around ideas is highlighted as a spiritual criterion that determines to what extent each of our compatriots fulfills their duty and responsibility to the family, society, the country.

Keywords: Social mobilization, social ideology, spiritual processes, creative feeling, solidarity, citizen, welfare, human value, justice, rule of law.



<https://doi.org/10.47390/1342V3I3Y2023N16>

Кириш. Жамият мафкураси асосида ижтимоий сафарбарликни ташкил этиш маънавий жараёнларнинг ривожидан боғлиқ тарзда амалга оширилади. Маънавий жараёнларнинг ривожидан, аввало, жамият аъзоларининг маънавий-маданий, сиёсий-иқтисодий жиҳатдан шаклланиши, қолаверса, давлатнинг соҳага қаратилган эътибори муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, бизнинг мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил қилиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялаш - устивор вазифа сифатида белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, бу белгиланган вазифалар шунчаки осмондан олинган ҳавойи ёки баландпарвоз гаплар эмас. Тан олиш керак, ҳаётнинг оддий бир ҳақиқати бор: жисмонан бардам ва руҳияти соғлом инсон доимо юксак орзулар, эзгу ниятлар билан яшайди. Ҳаёти давомида олган билими, истеъдоди, салоҳиятига таянган ҳолда ғайрат-шижоат билан олға интилади – натижага эришиш учун самарали меҳнат қилади. Машаққатларни оқилона енгиб ўтиш учун бор кучини сарфлайди, кўзлаган мақсадига эришади, кейин эса янада юксак марралар сари йўл олади.

Худди шундай бунёдкорлик туйғуси, яратиш иштиёқи билан яшайдиган соғлом жамият ҳамжиҳатлик билан мақсад сари олға интилса, бутун мамлакатнинг тараққиётига, айни шу аснода ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир хонадоннинг турмуш фаровонлигига, ўзининг, фарзандларининг кам-кўстсиз яшаб, камол топишига эришади. Демак Ўзбекистон жамияти ва давлати айни шу мақсадларни амалга ошириш учун маънавий-маърифий тараққиёт йўлидан бормоқда. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг “Янги Ўзбекистонни юксак маданият ва маънавиятга эга бўлган, эркин ва бахтли инсонлар яшайдиган мамлакатга айлантириш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этамиз” [1; 2-б.] деган ундовида мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий сиёсатнинг мазмун-моҳияти ва мақсад-муддаолари яққол акс этганини кўриш мумкин.

Материаллар ва усуллар. Шу ўринда, маънавий жараёнлар ривожидан ижтимоий сафарбарлик масаласини объектив сабаблар билан боғлаб тушунтириш, мазкур масалага бир ёқлама ёндашувга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам, субъектив омилларнинг Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик жамиятнинг таркибий қисми эканлигини эътироф этмоқ лозим. Умуман олганда, тарихий жараёнларда субъектив сабаблар баъзан ҳал қилувчи омилга айланиши ҳам мумкин [2; 2-3-б.].

Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш асосида бозор муносабатларига ўтишни ташкил қилишда, ўзининг функцияларини амалга оширишда, аввало, сиёсий фаолиятни демократлаштириш зарурияти юзага келади. Айнан сиёсий фаолиятни демократлаштиришнинг асосий элементларидан бири – маънавият ва мафкура билан боғлиқ масаладир. Буни амалга оширишда авваламбор жамиятнинг маънавий мафкуравий онгини тарихийлик, мантиқийлик ва ворисийлик, ретроспектив, диалектик ва синергетик илмий билиш усулларидан фойдаланилган ҳолда ўрганиб чиқишни талаб этади.

Ҳар қандай давлатнинг мавжудлигини белгиловчи шарт-шароитлардан бири – бу ўзига хос сиёсий, мафкуравий маконнинг мавжудлигидир. Мафкуравий маконнинг мавжудлиги, айниқса, демократик жамият шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.

Шу маънода, бақарор сиёсий муҳит ва муқобил мафкуравий манзара Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг асосий омилларида биридир. Ана шундай сиёсий муҳит ва мафкуравий маконда Ўзбекистон барқарор тараққиёт йўлидан собитқадамлик билан бормоқда. Бинобарин, юксак мақсад сари интилган, имон-этиқоди бақувват, ўзи танлаган йўлга ишончи собит халқ албатта ўз орзу-ниятларига етади. Бундай ниятларга етиш учун эса белгиланган вазифаларни оғишмай амалга ошириш лозим бўлади. Уларни амалга оширишда ижтимоий сафарбарлик муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир давр ёки жамиятлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, улар маълум мақсадларга йўналтирилган ғоя ва мафкура асосида шаклланади. Жамиятнинг мақсад ва муддаоларини акс эттирган мафкура ва ғоялар маълум маънода, шу жамият учун ёт ва зарарли ғоялардан ғоявий ҳимоя вазифасини ҳам бажариши шарт. Жамият аъзоларини ягона мафкура асосида ижтимоий сафарбар этишнинг илмий-назарий асосларини ҳам айнан шу жамият мафкураси мақомини олган ғоялар бажариши лозим.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганига ўттиз йилдан ошди. Унинг илк давларидан бошлаб ягона мафкура атрофида бирлашиш, таъбир жоиз бўлса, бир ёқадан бош чиқариб юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, истиқлолимизни асраб-авайлаш мақсадида талайгина ишлар қилинди. Ўша даврнинг бош ғояси бўлган, “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” йўлидаги мақсад ва қарашларимизни амалга ошириш учун улкан ислохотлар амалга оширилди. Давр мобайнида қилинган ишларни истаганча ғурурланиб гапирсак камлик қилади. Узоқ йиллар етиши мумкин бўлган марраларга биз ўттиз йилда етдик, десак муболаға бўлмайди. Тўғри айрим соҳаларда жаҳоннинг бир қанча давлатларидан орқада қолаётгандирмиз, лекин кўп соҳаларда анчагина илгарилаб кетганимизни ҳам тан олиш лозим.

Орқамизда ким турибди? Тоғдек халқимиз турибди. Тоғни ким ҳам ўрнидан сура олиши мумкин, халқни ким ҳам бу танлаган йўлидан қайтара олиши мумкин? Ҳеч ким! Мен мана шу минбардан туриб, мана шу дақиқаларда айтмоқчиман: кимки ўз йўлидан қайтса, у - номард! [3; 4-б.] – деган эди, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов. Бинобарин, қандай қийинчиликлар бўлмасин халқимизнинг куч-қудрати, давлатимизнинг кучли иродаси билан ортга қайтилмади. Қирғин-барот урушларга йўл қўйилмади. Сабар ва матонат билан ёруғ кунга етиш учун ҳамма бирдек меҳнат қилди. – Ўттиз йиллик шонли, шарафли йўлимиз билан чин дилдан фахрлансак арзийди. Биз эл бўлиб бирлашдик, катта карвонга айландик – дейди Самарқанд вилоят ҳокими Э.Турдимов. – Дунё биз билан ҳисоблашяпти, дунё бизга ҳавас қилаяпти, дунё бизга интилаяпти. Чунки, биз жаҳон андозаси асосида ишлашни, яшашни ўрганаёпмиз. Биз яратишга, ўсишга, янгилик қилишга кўникдик. Шу сабабли, кечаги ютуқларимиздан бугун кўнглимиз тўлмаяпти. Биз ўсиш, улғайиш ҳавосини, тажрибасини, маҳоратини олдик. Халқимиз ҳам бугун юксак манзилларни кўзламоқда [4; 2-3-б.].

Дарҳақиқат, миллат мафкураси унинг бош ва асосий ғоялари асосида эришилган ўттиз йиллик натижалар бугунги янгиланишларнинг дебчаси эди десак муболаға бўлмайди. Бинобарин, жамият мафкураси ёки бош ғояси мақомини олган миллий ғоялар

тизими шу жамиятни мақсадлар муштараклиги асосида ижтимоий сафарбар эта олиши ҳамда мафкуравий тажовузлардан, хуружлардан, таҳдидлардан ҳимоя қилиши ва жамият аъзоларида мафкуравий иммунитетни шакллантира олсагина кўзланган натижага эришиш мумкин. Мафкуравий кураш майдонида ғолиблик жамиятнинг тинч-осуда ҳаёт фаолият юритишини ҳар томонлама таъминлайди, бугуни ва келажакнинг пойдевори ҳисобланади.

Ҳар қандай мафкуралар, ғоялар йиллар силсиласида ўзининг кўзлаган мақсадига эришишда байроқ сифатида кўтарилиши билан бирга, давр қарашларининг, эҳтиёж ўзгаришларининг натижасида ўз ўрнини янгиларига бўшатиб бериши табиий ҳол саналади. Бинобарин, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Дунёда ҳеч қачон бир хил тонг отган эмас” [5; 4-б.]. Ана шундай тадрижийлик натижасида Ўзбекистонда ҳам бош ғоя ва асосий ғояларнинг ўзгариш жараёни кетмоқда. Зеро янги қарашлардаги янгиланган жамиятни ўзига хос бўлган янги ғояларгина олға интилишга сафарбар эта олади.

Натижалар. Аини пайтдаги жамият аъзоларини мафкура асосида ижтимоий сафарбар этишнинг илмий-назарий асоси сифатида президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Янги Ўзбекистон стратегияси китобини методологик манба сифатида олиш мумкин. Ана шу методологиядан келиб чиқиб, бугун Янги Ўзбекистонни барпо этиш масаласини бош ғоя сифатида талқин этиш мумкин десак, адашмаган бўламиз. Зеро олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” деган ягона мақсад асосида янада ҳамжиҳат бўлиб, ўзимизни аямасдан меҳнат қилсак. Тинимсиз ўқиб-ўрганиб, ишимизни мукамал бажарсак, албатта, ҳаётимиз, жамиятимиз ўзгаради, келгуси авлодлар учун гуллаб яшнаган, озод ва обод мамлакатни мерос қилиб қолдирамиз[5; 24-б.].

Шу маънода, миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари бораётган мамлакатимизда, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “биз барпо этаётган Янги Ўзбекистон мафкураси, аввало, инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик мафкураси бўлади” [5; 280-б.]. Биз бу йўлда олиб борилаётган ислохотларимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган жамиятимиз аъзоларининг бор билим ва салоҳияти, куч ва имкониятларини, бутун азму шижоатимизни ишга солишимиз зарур. Шундагина Янги Ўзбекистон жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакатга айланади[5; 4-б.].

Бинобарин, шу йўлда жамиятни ижтимоий сафарбар этишнинг методологияси ҳисобланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган, тараққиёт тамойиллари ҳам жамият аъзоларини мафкура асосида ижтимоий сафарбар этишнинг илмий-назарий асоси ҳисобланиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;
2. Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;
3. Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;
4. Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;
5. Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;

6. Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;

7. Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

Муҳокама. Сир эмаски, ижтимоий сафарбарликнинг кўриниши сифатида, ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар ва ўзгаришлар мисли кўрилмаган даражада жадаллашиб, кўплаб соҳаларда улкан ютуқларга эришмоқдамиз. Буни Ренессанс даврининг бошланиш нуқтаси деб аташ мумкин. Айни бир халқ салоҳиятининг улкан натижаси бўлган бу каби оламшумул ютуқлар эса, инсоният тарихининг ёрқин саҳифаларига айланади, дунё цивилизацияси тараққиётига катта туртки беради. Ер юзидаги баъзи халқларгагина насиб этадиган бундай юксак кўтарилиш ва тараққиёт замонларини ўзига хос уйғониш, яъни Ренессанс даври, деб аталишининг сабаби шунда. Бу даврнинг одамларини бир мақсад йўлида бирлаштирадиган ва сафарбар қиладиган ўз ғояси, тараққиёт тамойиллари борлиги ҳам айни ҳақиқат[5; 4-б.].

Жамият аъзоларини мафкура асосида ижтимоий сафарбар этишнинг илмий-назарий асослари сифатида, мамлакатимиз ривожланиш тарихининг 32 йиллик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, тўртта истиқболли тараққиёт стратегиялари қабул қилинган ва маълум йиллар мобайнида шу тараққиёт стратегияларига мос равишда ривожланиб келмоқда. Мисол учун, мустақилликнинг дастлабки йилларида “Тараққиётнинг Ўзбек модели”, 2010 йилда “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”, 2017 йилда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ва юқорида қайд этиб ўтганимиз 2021 йилда тасдиқланган ва 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” шулар жумласидандир. Таъкидлаш жоизки, мазкур тараққиёт стратегиялари ўзига хос тараққиёт тамойилларини қамраб олган. Жумладан, истиқболли тараққиёт стратегияларидан ҳозирги ривожланиш жараёнларининг асоси бўлган “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” белгилаб берган ўзбек халқини ижтимоий сафарбар этишнинг илмий-назарий асослари қуйидагилардан иборат:

- халқаро ҳуқуқ нормалари ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, умуминсоний ва миллий қадриятлар ҳамда демократия тамойилларига асосланганлиги;
- таълим тизимининг изчиллиги ва узлуксизлигининг таъминланганлиги;
- жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар эта олиши;
- миллати, тили ва динидан қатъи назар, мамлакатамизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтира олиши;

Кўрсатиб ўтилганларнинг ўзи билан якуний натижага эришишнинг имкони йўқ, албатта. Ислохотлар жараёнида халқимизнинг иштироки муҳим аҳамият касб этади. Чунки ижтимоий сафарбарлик билан боғлиқ тамойиллар, ғоялар халқимизнинг қалбидан онгу-шууридан ўрин олгандагина ўзининг юксалиш даражасига чиқиши мумкин.

Бунда халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг виждони, ор-номуси сафатида юрагида пайдо бўладиган,

- жонажон Ватанимизнинг эртанги кунига астойдил ишонч;

- халқимиз ҳаётини, бугуни ва эртасини эркин ва фаровон қилишни ўзининг энг улуғвор вазифасига айлантириш;

- миллат тақдирига муносабатнинг иймон ва эътиқодга айланиши;

- жамиятдаги воқеа ва ҳодисларга ўзининг даҳлдорлигини қалбан ҳис қилиши;

- юртнинг ривож билан боғлиқ ислохотларда виждонан иштирок этиш;

- юртимиз тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай таҳдидларга қарши кураша олиши;

- бутун халқимизнинг миллий мафкура атрофида жипслашиши билан боғлиқ тамойиллар ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Бу тамойиллар кишиларни юрт тақдири билан боғлиқ ислохотларни англашга, уларни фаол бўлишга чорлайди. Аммо бунинг бажариш ҳамиша ҳам осон кечавермайди. Назаримизда, - дейди профессор А.Маврулов – фаол инсон фақат ўзининг шахсий манфаатлари йўлида тиниб-тинмай ҳаракат қилган эмас, айтилган пайтда, ўз мақсад-муддаоларини жамият ва давлат манфаатлари билан уйғунлаштира олган кишилардир. Ҳа, ўз манфаатларини ватан манфаатлари, шу жамиятнинг барча аъзолари тақдири билан боғлаш олишдан ҳам қийин иш йўқ[6; 1-2-б.].

Биобарин, айнан фаолликни кўрсатувчи жамиятнинг миллий мафкураси атрофида жипслашиш масаласи фақат бугунги кундаги долзарб масала эмас, балки ҳамма даврларда ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий масала сифатида биринчи ўринда турди. Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз[7; 75-б.]. Жамиятнинг бирлиги, куч-қудрати ҳамда келажак мақсадлар сари бирлаштирадиган ва уни ўз мақсад-муддаоларига эришиши учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойдевор бўлиб, ҳар бир ватандошимизнинг оиласи, жамият, эл-юрт олдидаги бурч ва масъулиятини қай даражада адо этаётганини белгилайдиган маънавий мезондир. Айтилган дамда бу мезон ватанимизнинг тараққиёт уфқида бўй кўрсатаётган янгилашиш даврида белимизни маҳкам боғлаб, тарихнинг ўзи яратган бу буюк имкониятни қадрлаб, янада дадил олға боришга ундамоқда[5; 6-б.].

Хулоса. Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, бу мезон жамиятнинг мафкураси билан боғлиқ мақсад ва мулжалларимизни ифодалайди. Ана шу мақсад ва мулжаллар кишиларни ҳаракатга ундайди. Натижада жамият учун манфаатли бўлган мақсадлар ғоя сифатида шаклланади. Жамиятдаги кишиларнинг орзуларини ўзида акс эттирган ана шу ғоялар мулжал олишга ётақловчи куч сифатида намоён бўлади. Ана шундай куч мафкура бўла олади ва бу мафкура кишиларда ишонч, эътиқоднинг юксалишига, уларни бирлаштиришга ва сафарбар этишга хизмат қилади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг X съездидаги маърузасидан. Revier.uz/ 10.09.2021.
2. Қаранг: Липсет, С. М. Роль политической культуры // Пределы власти. – 1994. – № 2–

3. – С. 108.
3. Ислон Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т: “Ўзбекистон”, 2000. - Б. 495.
 4. Ҳасанов Ғ. Ўттиз йилнинг ҳайрат ва шукронаси. /UzA.uz, 08.01.2021.
 5. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т: “Ўзбекистон”, 2021. - Б. 457.
 6. Маврулов А.А. Ижтимоий сафарбарлик ва фаол фуқарлик позицияси. / Янги Ўзбекистон. 16.06.2022
 7. Мусаев У.С. Глобаллашув швритида ёшларнинг инновацион тафаккурини шакллантириш механизмлари. – Бухоро: “Садриддин Салим Бухорий”, 2022. –Б. 165.



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/1342V3I3Y2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 3 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).